



Ислохот одимлари

Барча туманлардан вилоят ҳокимилик мажлислар залига таширф бўлган ишбилармон, тадбиркорлар ва фермерлар «одатдаги маширага тўқнаш» деб ўйлашга эди. Лекин уларнинг фикри айрича чиқди. Илгари маърузачи ҳам, сўзга чиқувчилар ҳам бўлмади. Вилоят ҳокими Мирзажон Исмоиловнинг йиғилиши амалий мулоқотга, ишбилармонлар тадбиркорларнинг ўзаро суҳбатига, тажрибаларни ўрнатқилишига тадбирга айланган тўғрисида билдирди...

Мулоқотни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш кўмаги бўшқарма бошқирмон ўринбосари Мавлудхон ХОШИМОВА бошлади.

— Юрбошимиз республика Президенти ҳузурдаги Иқтисодий ислохотлар, тадбиркорлик ва чет эл сармоялари бўйича идораларро кенгаш мажлисида ўз фаолиятини қишлоқда ташкил этадиган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш давлат сийосати даражасидаги ўстириш йўналиши эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. — деди у. — Бу бежиз эмас. Мана, Фарғонадан қиёс: вилоят аҳолисининг 70 фоизи ёки бир миллион 700 миң киши қишлоқда яшайди. Аҳоли ўсиш жараёни сураётганлари эса йил сайин ортомқода. Ушбу вазият ҳозирнинг ўзида ҳам бўлиши мумкин бўлган иқтисодий тангликнинг олдинги олувчи ҳамда қишлоқларда яқин келажакда аҳолининг турмуш даражасини анча оширишга имкон берувчи янги тармоқлар ва ишлаб чиқаришлари ривожлантириш борасида зарур чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Айтиш керакики, Фарғона, вилоятда бу соҳада муайян тажриба тўғрисида. Масалан, Бағдод, Фуркат, Бешарик, Тошкент туманларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳокимликларининг диққат қўйилишида. Бағдод тумани ҳокимлигининг каттагина зали қишлоқ тадбиркорлари ва ишбилармонлари тайёрлаган махсусотларнинг доимий кўргазмасига айлантирилган. Бешарик туманида эса 10-дан ортиқ кичик ва хусусий

корхоналар ишлаб турибди. Бу ерда ишончлиқ муаммоси дегирли баргараф этилган. Муҳим жамоат таркибидagi корхоналарнинг ҳомиша бўлган талаби асосан маҳаллий ресурслар ҳисобига қопланмоқда.

Биз бундай ижобий тажрибаларни омма-лаштиришга ҳамда тадбиркорлар ва ишбилармонларга амалий ёрдам беришга ҳам-иша тайёрмиз.

Суҳбатга Фуркат туманидаги Чинобод қишлоғидagi фермер Махдубахон НИГМАТДИНОВА қўшилиди.

— Биз 1993 йилнинг ўрталарида 13 бош қорамол сотиб олган эдик. Ҳозир уларнинг сони 50 тага етиб қолди. — Ютуқлар — ўзимизники. Шу боис мен оқимизда турган муаммолар ҳақида гапирмоқчиман. Сут заводи биздан салкам 50 километр оғирда, Кўкон шайрида жойлашган. Биринчи-дан, махсусотни ташинга транспортимиз йўқ. Иккинчи-дан, сутни заводга элтунга қадар унинг сифати бузилимоқда. Шу муаммони ҳал этишда Давлат мулкни хусусийлаштириш ва вилоят ҳокимлигини ёрдам сурашимиз.

Вилоят ва туманда фермерлар уюшмаси ташкил этилган. Улар бизни ениги, озуқалар билан таъминлаш керак. Бироқ ҳўжалигимиз учун йил ичида беш-йўғи 2 тонна кунжака олди, холос. Бошқа тур-ндаги аралаш озуқалар, ем-хашаклар ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Шунинг учун уларни қиммат баҳо-да бозордан сотиб олишга маж-бур бўлаёямиз.

Ранноҳон ҲАМИДОВА, Учкўп-рик туманидаги «Беминнат ҳиз-мат» кичик корхонаси директори: — Корхонамиз собиқ «Машиий хизмат уйи» негизида ташкил этил-ган. Лекин фаолиятимиз йўнали-ши ўша-ўша бўлса-да, ишга муно-сабатимиз ўзгарди. Биргина ми-сол. Мулк ўзимизники бўлганлиги учун ташмачилик иллоти тамоми-ла йўқолиди. Ҳатто кесал бўлган-ларга дори-дармонларни маржа-лашган фонд ҳисобидан олиб бе-

зорга чиқишни тезроқ тартибга со-лиш керак. — Устига устак, банклардан кре-дит олишдан қийинроқ муаммо бўл-мас керак. Савадга ҳам, ишла-б чиқаришга ҳам бир хил фои-за қарз берилди. Ахир, бир мах-сусотни аввал ишлаб чиқариб, кейин сотамиз-ку? Қолаверса, тек-шир-тектирлар яна кўпайиб кет-ди. Дастхотлар ўзимизники бўл-ган, тайёр махсусотларнинг эгаси ҳам ўзимиз эканлигимизни наҳот-ки улар билдирмайдими? — Муҳиддин ЛАТИПОВ, вилоят

дам берапти. 25 нафар йигит-қиз-ни маркетинг бизнес-класси тиз-мида буйича ўқитиш учун ҳокимлик ўз захирасидан 140 миң сўм аж-ратди. Шуниси қувончлики, бу та-лабларнинг ақсарияти қишлоқ ше-ралидир. — Тадбиркорлар ўзларини қийнаётган муаммоларга ечим то-пиш мақсадида кўпроқ Республи-ка давлат мулк қўмитасига муро-жаат қилишади. Қўмитада эса 20 дан ортиқ бўлим ва бошқармалар мавжуд. Ишбилармонлар айри-қолларда ана шу бўлим ва бош-қармаларнинг ҳам-масига кириб чиқи-шади. Натижада улар пойтахтда ойлаб қолиб кетиш-моқда. Бундай сан-салорликка чек қўйиш лозим.

Яна бир муаммо. Давлат мулк қўмита-си ўрта ва кичик биз-несни ривожланти-риш мақсадида ви-лоятимиздаги бир-кичи корхонага 200 миң сўм ажратган эди. Бу маблаг ро-па-роса олти ойда ушбу корхонанинг ҳисобига келиб тушди. Бунгача унинг раҳбари не-ча марта Тошкентга каттаганлиги-ни эълан қилиб ўтишининг ҳожа-ти бўл-мас керак. Энди бу соҳадаги иш-ларни ҳам содда-лаштиришнинг вақти келди, деб ўйлайман.

Омонулло ТУРСУНОВ, вилоят деҳқончилик-саннат уюшмаси қошидаги «Деҳқон» кичик кор-хонасининг директори: — Корхонамиз вилоятда таш-кил этилган кичик корхоналарнинг қадрига эътибор билан. Биз 4 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаямиз. Идораларро кенгаш мажлисида юрбошимиз айнан бизнинг дили-миздаги гапларни айтиди. Ҳақиқа-тан, одамларни қишлоқдан завод ва фабрикаларга эмас, балки са-ноатни одамлар ҳузурига — қи-шлоққа олиб бориш керак!

Дастлаб корхонамиз қишлоқ ҳў-жали махсусотларининг олди-сот-дисидан билан шуғулланган бўлса, эн-дигида унинг таркибидa бир неча ишлаб чиқариш цехлари мавжуд. Барнудaдаги тўқимачилик кор-хонаси билан ҳамкорликда тўқуви-лик фабрикасини ҳам бунёд этил-ди. Лекин салкам бир йилдирки, комбинат билан алоқамиз узилиб қолди-ю, фабрика қурилиши ҳам тўхтади. Бу борада вилоят «Ме-ханат» биржасига мурожаат қилган эдик. Афсуски, бу тўғриси билан а-лоқамиз йўлга қўйиш учун 10 дан о-ртиқ турли йўланмалар ва кўрсат-маларни бажаришимиз лозим бў-лар экан. Бундай сунъий тўсиқлар қишга керак? Агар фабрика ишга тушса, аҳоли энг зич жойлашган Тошкент туманида 200 кишини иш билан таъминлашнинг имкони бу-лардир.

Мўтабархон МАХМУДОВА, Охунбобоев туманидаги «Чор-вадор» фермер ҳўжалиги раҳ-бари: — Ҳўжалигимизда 65 бош со-ғин сиғир бор. Биз сўт ишлаб чи-қариш билан чегараланиб қолган-ганимиз йўқ. Тегирмон, новохона-на ва тўқимачилик цехимиз ҳам мавжуд. Яқинда Францияда бўл-ганимиз, мевани қайта ишлайдиган кичик корхона қуриш ҳақида ҳам шартнома тузиб келганимиз. Агар бу ният ўшарса, фермер ҳўжали-гимизнинг ишлаб чиқариш тармоқ-лари яна биттага кўпайди.

Францияда фермерларнинг ўз-баки мавжуд экан. Агар бизда ҳам шу йўлга қўйилса, банк тизимида-ги пул ўтказиш ва молия соҳаси-даги қатор қийинчиликларга бар-хам беришга бўлар эди. — Учрашув ақнида вилоят ҳокими М. Исмоилов сўзга чиқиб, бун-дай мулоқотлар, ўзаро тажриба ал-маштирлар фақат наф келтириши-ни алоҳида таъкидлади. Ишбилар-монлар, тадбиркорлар мустақил республикамиз қонунлари асоси-да меҳнат қилиб, давлат солиқла-рини ўз вақтида тўлашса, доимо давлат хўжалигида бўлишларини ук-тириб ўтди. Ва улар ўзлари бош-қаратган кичик ва хусусий корхо-налар ишончи яқин йўлга қўйган ҳолда халқ фаровонлигини яқин-лашга муносиб ҳисса қўшишлари-га ишонч билдирди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» муҳбири.

ҚИШЛОҚ ИСТИҚБОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Фарғона вилояти ишбилармонлари ва тадбиркорлари амалий мулоқот чоғида кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришга астойдил бел боғлаганликларини изҳор этдилар

Ишчиларнинг ўртача маоши 1,5 миң сўм атрофида. Очиғи, шу ҳам уларга оздек кўринапти. Чунки ишчилар илгари оз маош оларди-ю, асосан ташмачилик билан шуғулланишарди. Шунинг учун ҳозир ишлаб чиқариш ва муомала маданияти юзасидан тарғибот иш-ларини изчил олиб бораёямиз.

Корхонамиз мол айрибошлаш ҳисобига Ҳамдўстлик мамлакатла-ридан хомаше келтирилади. Лекин ўзимизда тайёрланган мах-сусотларни сотишда қатор тўсиқлар мавжуд. Масалан, 1000 та яқин-дозина четга чиқариш учун уй о-вора бўлиб, «на шу мўддат ичи-да унинг танархи эса бир неча баробар кўтарилди. Илгари мах-сусотларимиз Кўкондан жўнатилар, зарур ҳужжатлар бил кундаёқ рас-миёлаштириларди. Энди эса Фар-ғона билан Учкўприкнинг ўртасида бўзичини моқисдек қатнаб, тин-ка-мадоримиз қуриётди. Ташқи бо-

тадбиркорлар уюшмаси раиси, халқ депутатлари вилоят кең-гаши депутаты: — Вилоятимизда республикада биринчи бўлиб «Тадбиркорлар уй-и-чилиги» мекони бермоқда. Бугунги кун-да вилоятимизда ишбилармонлар, тадбиркорларнинг иш юртиши учун барча шарт-шароитлар муҳай-қилинган, десак, муболага бўл-майди. Айниқса, қишлоқ жойларда хусусий тадбиркорликни ривож-лантиришга алоҳида эътибор қар-тилмоқда. Бунинг самараси ўла-роқ, 1800 дан зиёд фермер ҳўжа-лидари, кичик корхоналар бўтун-аграрноат мажмуида тайёрла-наётган махсусотларнинг асосий қисмини етказиб бераёпти.

Тадбиркор, тижоратчи, ишби-лармон биринчи навбатда ўз ҳа-қуқинини билиши керак. Бу борада ҳам вилоят ҳокимлиги амалий ёр-

Ҳамкорлик робиталари БИЛИМ ОЛИШ УЧУН АМЕРИКАГА

Бу йил республикамиздаги мактаб ўқувчиларининг бир қанчаси Америка Қўшма Штатларининг ўқув юрталари томонидан берилган сертификат асосида «етуклик шах-матомаси» оиди. Тест синови асосида сайлаб олинган ўзбекистонлик йигит ва қизлар у ерда бир йил давомида билим олишди. Ўқувчиларни республикамиз 29 таълим вазирлиги билан ҳамкорлик қилаётган АҚШдаги «Аксел» таълим бериш билан шуғулланувчи ташкилот вакиллари танаб олди. Бу дастур ҳужжатларро шартнома асо-сида мамлакатларимиз ташкилотлари ўртасида уч йил-дан бери давом қилиб келади.

Эндиликда, янги ўқув йи-лида Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан 70 нафар ўқувчи билим олиш учун Америкага жўнаб кетади. Уларнинг ҳаммаси респу-блика ўқувчилар уйида бўлиб ўтган учрашувда иштирок этди. Қўшма Штатлардан яқинда қайтиб келган йигит ва қизлар ҳам АҚШда таълим олишга доир таасу-ртларини сўзлаб бериш учун бу ерга келишди. Ўзбекистон халқ таълими вазири-нинг ўринбосари Хайридин Мақсудов бундай халқро ҳамкорликнинг мақсад ва истикболларини тушунти-риб берди: — Ҳозирги пайтда, рес-публикамизда мустаҳкамла-ниб, ривожланиб бораётган янги бозор муносабатлари мутахассислар тайёрлашни-нг савияси ҳам янгича бў-лишини тақозо этади. Тан-лаб олинган мутахассислик қандайлигига қарамай, хо-рижий тилларни билиш то-бора аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли, бу соҳада аме-рикалик касблонларимиз билан ҳамкорлик қилар эканмиз, улар амалга оши-

раётган «Аксел» халқро да-стурига қўшилишга аҳд қилдик. Бу дастурга муво-фиқ, юқори синф ўқувчилари-да бир йил ўқибгина қо-лмай, бу вақт давомида аме-рикаликларнинг оилалари-да яшашди. Бу эса, ўзе-бекистонлик йигит ва қизлар-га ўз тенгдошлари билан му-шалоқ жараёнида Америка-ча турмуш хусусиятлари, америкаликлар миқозини яқинроқ билиб олишга, жа-миятнинг анъаналари, ўзга давлат тарихи билан тани-шишга имкон беради. Айни пайтда улар ватанининг ўзи-га хос «мухтор вакил»лари сифатида америкаликларга Ўзбекистон, унинг ўтмиши ва ҳозирги кунини, халқимиз-нинг миллий урф-одатлари ҳақида гапириб беришган. Хорижда Ўзбекистонга, бу мамлакатда иқтисодий ис-лохотларнинг қандай амал-га оширилаётганига, давлат раҳбариятининг аниқ ижти-моий йўналишини сийосати-га қизиқиш ортиб бормоқ-да. Бундан ташқари, бево-сита мулоқот болаларга ин-глиз тилига доир билимла-

рини такомиллаштиришга имкон беради. «Аксел» да-стурда иштирок этган йигит ва қизларнинг кўпчи-лиги тест синовидан муваф-фақиятли ўтиб, республика-миз олий ўқув юрталари та-лабалари қаторига қўшил-гани бу дастур қандай на-тижа бераётганини кўрсатиб турибди.

Ўқувчилар билан учра-шувда иштирок этган АҚШ-нинг Ўзбекистондаги Фав-қуллода ва Мухтор элчиси Генри Лии Кларк Америка-га жўнаб кетаётган йигит ва қизларга оқ йўл тилади. Эл-чи икки мамлакат умумий таълими тизимларининг бундай ҳамкорлиги халқла-римизни бир-бирига яқин-лаштиришга хизмат қили-шини таъкидлади. — Мен Вайоминг шта-тига қарашли Витленд шаҳри-даги мактаблардан бирда ўқидим, — деди Бухородаги 16-мактабни битирган Ак-мал Маърупов. — Олдий америкаликлар оиласида яшадим. Педагоглар тақсир қилган, ўрганиш ихтиёрий бўлган фанлар орасидан банк иши ва француз тилини танладим. Мен спорт син-фига ўқидим. Америкалик тенгдошларим менга аме-рикача футболни ўргатишди. Қўшма Штатларга сафарим менга фақат янги билим бе-риб қолгани йўқ. Мен янги дўстлар орттирдим, бошқа халқ ҳаётини ўрганидим. Бу келгусида менга жуда ақсо-тади, деб ўйлайман. (ЎЗА).

«ШАРҚ» ГУЛЛАРИ ЖИПОСИ



Пойтахтимиздаги «Шарқ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ўтган йили ҳиссдорлик жамиятига айлантирилган, иш унуми кескин ўзгарди. Махсусот турлари ҳам ўндан ошиб кетди. Бугунги кунда бу ерда тайёрланаётган халқ истеъмолчи моллари қаторига республикамиз халқи севиб харид қилаётган сузана, зар-девол, дарпарда, чойшаб сингари қўллаб турдаги мил-лий буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. СУРАТЛАРДА: 1. Ингор тикувчилар Сапура Сайда-лиева ва Дилбар Ёкубова ўзлари тайёрлаган сузана сифатини кўздан кечиришмоқда. 2. Ҳазрат Баҳовуд-дин Нақшбанднинг 675 йиллигига бағишлаб тикилган гиламлар. 3. Еш тикувчи М. Дадабоева. 4. Малахот Назарова янги махсусот турини намойиш этмоқда. 5. Цех бошлиғи М. Зиёева ва тикувчи К. Убайдуллаевалар иш устида.

Тиббиёт

ҲАМ НАЗАРИЁТ, ҲАМ АМАЛИЁТ

«Тоғ Муҳаммадининг олдига келмасам, Муҳам-мад тоғимиз олдига бо-риб» — Тошкент шаҳри-да жойлашган республика иш-фокорлар малака оши-риш институтининг бир гуруҳ ходимлари ушбу қад-имий ҳикоятга амал қи-либ кўя қолдилар. 30 ишфокор — Қорақал-поғистондаги даярли барча туман ва шаҳар касалхона-лари реанимация бўлимла-рининг раҳбарлари бир ой давомида Нукус шаҳридаги 1-сонли республика касал-хонаси базасида улар учун махсус ташкил қилинган кўча муқимнинг тинловчи-лари бўлишди. Тинловчи-лар ишфокорларнинг мала-ка ошириш институти хо-димлари, тошкентлик про-фессорлар Ж. Сабуров, Ш. Насиров, институт ўқиту-вчилари Р. Павлова, М. Мах-мудов, М. Муслимов ва Г. Қоримлыовларнинг етак-чилигида лекциялар тинглаб, амалий машғулотлар ўтқа-зишди. Ушбу тадбирнинг аха-миятли томони шундаки, ту-ман ва шаҳар ишфокорлари малака ошириш даврида ўз-лари куниник муҳитдан, қундалик иш жараёнининг муаммо-ю, ташвишларидан узоқлаб кетганлари йўқ, фаолияти билан ҳар кунги муаммоларнинг етакчи бў-лиш шартини, шу билан бир-га республиканинг етакчи реаниматолог врачлари ра-ҳнамолигида амалдот билан борлик ҳолда олиб борилди. Бу эса, албатта, уларнинг келгуси ишларида уларнинг ижобий самараларини бера-ди. Ҳайитбоёв АБДУСОДИК, «Халқ сўзи» муҳбири.

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ

Республика давлат мулк-ини бошқариш ва тадбир-корликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Жиззах ви-лоятининг Зомин туманида илмий-амалий анжуман ўт-казди. Унда тегишли вазир-ликлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар

давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш ҳу-дудий бошқармалари бошчи-лари қатнашди. Анжуманда республика Президентининг шу йил 12 июлдаги «Давлат мулкни бўлган кор-хоналарни акциялаштириш-ни жадаллаштириш ва қим-

Мухбиримиз муаммо қўяди КИМИЗ, ҚИМРОН ВА СУВ

Ёз жазирамасида уларнинг қай бири афзал?

Биздан ўйлаб қолман: қадимий аждодларимиз нега узоқ умр кўришган, касалликка ҳам чалинмаган? Экологиянинг барқарор-лиги, тоза ҳаво, зилол сув бўлганлигиники? — Бу гапнинг ҳам тўғри, та-гин-да билдимиз, — дейди қо-зоқ оғам Қувонч Қурманбеков. — Можег прекарларимиз қўйди-н қотили, екиннинг суги, жил-қининг қимизи, туянинг қим-ронини кўп ишиб журғендан сов-омон бўлганлар. Дарҳақиқат, отанинг гапида жон бор. У санаб берган жон-ворларнинг барчаси тоғу-даш-ларда борлиқ доринор тибқлар-ни тергилаб ейди. Демак, улар-нинг суг-танисига, қимизи қим-ронидан ичган танаси учун ши-фобах бўлган жамики вита-минлар жамулжам. Қолаверса, бу ичимликлар ҳозирги кунда одамнинг чанқоғини босади, са-ратон тафтини олади. Айниқса, доимо қуёқ тибг остида ишлов-чи галлақору пахтакорлар, деҳ-қонлар ёб ойларида унлан кўп-лақ истеъмол қилсалар, зиб

матли қоғозлар бозорини та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони ва Вазирлар Маҳ-камасининг шу масалага доир қарори жойларда қан-дай бажарилаётгани муҳо-кама қилинди. (ЎЗА).

қўя қолди. «Жиззах ҳақиқати» газетаси-да ишлаб юрган кезларимда ҳам-касбларим Витирма йил муқад-дам бу муаммони кўтариб, ви-лоятнинг тоғли ҳудудлариди қим-лиги ичимлигига, Қизилқумда эса қимрончиликка яхтисолашти-рилган ҳўжалиқлар ташкил этишни далиллар билан исбот-лаб беришарди. Шукрлар бўлсинки, муста-қилликка эришдик. Қадриятла-римиз, анъаналаримиз, маъна-вийтимиз тизилангити. Аждодлар унингга қулук содлаган кун-ларда етидик. Халқимиз меҳнат қилиш билан бирга дам олишни ҳам, соғлиғи хусусида қайғуриш-ни ҳам ўйлайдиган бўлди. Тоғли Бахмал, Зомин қиш-лоқлари аздадан унинг қимзи-чилиги билан машғур. Қозғо-стига туташ Форш, Қиразқўл туманларида эса аҳолиб қим-рон тайёрлашади. Тўғри, ушбу ишфобах, чанқобосиди ичим-ликларни уйларида тайёрла-ганлар уларидан ортганини бо-зорда сотишпти ҳам. Бироқ бу билан қўнчилиқнинг эҳтиёжи-ни қондириб бўлмайди. Бунинг учун савдо ташкилотлари қимзи-чи ва қимрончи оилалардан ша-ртнома асосида келишилган ба-ртнома асосида олиб, фирма ҳода махсусотни олиб, етказ-диқларни орқали аҳолига етказ-иб бериши керак. Е бўлмасам вилоят ва туман марказларида, деҳқон бозорларида ишфобах ичимликлар билан савдо қилу-чи расталар ташкил этиш ло-зим. Ҳозирча бу ноёб ичимликлар йўқлигидан одамлар сув ичиб юришадилар. Сабр бўлса, бу ети ҳам бўлиб қолар. Н. ҲАЙИТБОЕВ,



МУҲОКАМА МАВЗУСИ РОССИЯ

АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер Вашингтонда Буюк Британия ташқи иш-лар вазири Малколм Рифкинд билан учраш-ди.

Америка дипломатия маҳкамаси вакили Николас Бернс бу учрашувда, асосан, АҚШ ва Буюк Брита-нианинг Россия билан муносабатлари масаласи му-ҳокама этилганини маълум қилди.

АЙБДОР АНИҚЛАНДИ, АЛБАТТА

Киевдаги София ибодатхонасида Укра-ина Православ черкови патриархи Влади-мирини дафи қилиш чоғида маросим ишти-рокчилари ва пойтахт милицияси хизмат-чилари ўртасида қонли тўқнашув юз берди.

Тўқнашув натижасида ҳар иккала томондан бир неча ўнлаб кишилар оғир жараҳатланди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига қўра, бу воқеанинг асосий айбдорларидан бири Украинани-нги собиқ президенти Леонид Кравчукдир. Ушбу воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилган. Киев ми-лицияси ва прокуратура органлари текширув ишлар-ини олиб бормоқда.

ПОЙИҲА МАЪҚУПАНДИ

Ҳиндистон Вазирлар маҳкамаси қоши-даги чет эл сармоялари билан шуғулланув-чи қўмита учта лойиҳани маъқуллади.

Бу лойиҳаларнинг бири Фарбий Бенгалияда ис-сиқлик электр станцияси қуришга, иккинчиси Ма-шахтраги химия заводи қурилишига, учинчиси эса нефтни қайта, ишлаш заводини таъмирлашга мул-жалланган.

ИШОНЧ ОРТАЯПТИ

Челябинскда ўтказилган социологик сў-ровга бинаван, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш органлари нисбатан аҳолининг ишончи ор-тиб бормоқда.

Сўралгандарнинг энг кўпи — 44,6 фоизи давлат ҳафсизлик қизмати органларига ишонч билдирган. Уларнинг қолган 34,8 фоизи прокуратура, 29 фоизи милиция ва 27,4 фоизи эса суд органлари иш-ини маъқуллаган.

МУЛОҚОТ ГУРУҲИНИНГ МУҲИМ ИШТИРОКЧИСИ

Оқ уй маъмурияти Боқон ярим орола-даги мижорларни тинч йўл билан ҳал этишда. Россиянинг иштирокчи катта эътибор қаратяпти, деди Оқ уй матбуот котиби Майка Макэрри.

Унинг фикрича, Россия Босния-Герцеговинада-ги мижорларни баргараф этиш бўйича иш олиб бораётган мулоқот гуруҳининг энг муҳим иштирок-чиси.

ҚОЧОҚЛАР ВАТАНИГА ҚАЙТИШДИ

Тожикистон ҳукумати ва муҳолифат вакиллари ўртасида Алматыда ўтган тўр-тинчи босқич музокалари ижобий нати-жалар бера бошлади.

Маълумки, музокараларда эришилган энг муҳим келишув — тожикистонлик қочқинларни тезроқ ўз она тупроғига қайтариш эди.

Тожикистон меҳнат вазири Шукуржон Зухуров-нинг таъкидлашича, республика ҳукумати жорий йилда қочқинлар масаласини бутунлай ҳал этиш устида иш олиб бораёпти. БМТнинг Тожикистон-даги миссияси доимий кузатувчилари берган маълум-отга қараганда, 1993-1995 йилларда 40 миң қоч-қин Афғонистондан она-Ватанига қайтиб келган.

20 МИНГТИ БОЛАЛАР ЭДИ

Курулти тўқнашувлар ва хунрезлик би-лан «Буюк Сербия» яратилиш ва «дунёда ян-гича тартиб ўрнатилиш» мумкин эмас, деди Туркия мудофаа вазири Маҳмед Гелхан.

Собиқ Югославияда уч йиллик уруш давомида 250 миң босниялик муслулмон ҳалок бўлди. Улар-нинг 20 миң нафари болалардир. Мудофаа вазири-нинг айтишича, Анқара бундан буюн ҳам минтақада ҳарбий ҳаракатларни тўхташга ва Босния муаммо-сини алоқалати ҳал этиш тарафлари бўлиб қолади.

БИРИНЧИ УРИНГА ЧИҚИБ ОЛДИ

Эстония аҳоли жон бошига содир этил-ган жиноятлар сони жаҳатида Болтиқ-бўйи мамлакатлари орасида биринчи ўри-нга чиқиб олди.

Маълумотларга қараганда, 1995 йилнинг бирин-чи ярмида бу ерда ҳар 10 миң киши ҳисобига 126,7 та қонунбузарлик содир этилган. Литвада бу кўрсат-кич 82,2 та, Латвияда эса 72,4 тани ташкил этади. Ташвишланарли жойи шундаки, Эстонияда жиноят содир этилаётганда ўқ отиш қуролларини ишлатиш ҳоллари ҳам кўпайиб борапти.

ОЗОД ҚИПДИ, БИРОҚ...



• Бадиий ҳаваскорлик

ИЖОДКОРЛИК ИККИНЧИ КАСБ

Шундай бўлиши керак ҳам эди. Қатор йиллардан бери Зафаробод тумани пахтакорларию галлакорлари, чорвадорларию пиллакорлари биринчиликни қўлдан беришмайди. Бу йил ҳам шундай. Пилла режаси уддаланди. Давлатга галла топишириш ниҳоясига етай деб қолди. Ғузанинг ривож, ҳосил тўплаши эса чакки эмас. Ҳатто пахта теримига тайёргарлик ҳам сўнгги босқичда.

Демак биринчилик надишаси туман чуққуварларига ҳар дам дала беради, қувват бағишлайди. Шу қувватнинг бир илдизи маънавиятга, санъатга бориб тақалиши табиий. Чунки меҳнатни, турмушни санъатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Уч қаҳрамон» кўрғонининг истироҳат боғида ёз мавсумида ҳар шанба дам олиш дастури йўлга қўйилганлиги ҳаммада санъатга ихлос уйғотмай қолмади. Энг қувватлиси шуки, ана шу дам олиш кунлари туман худудиди яшовчи йигирма миллатта мансуб ёш ижодкор-

лар навбати билан ўз қобилиятларини намойиш қилдилар. Унлаб келиш-куёвнинг никоҳ, суннат тўйлари ҳам ана шу маданий тадбирга қўшиб ўтказилди. Бу гўшада тўй қилган инсон ҳам қийналмайди. Ҳар ким баҳоли-қудрат атаган тўёнасини олиб келади. Тўй дастурини ноз-неъматларга тўлиб кетади. Тошкентдан ёки вилоятдан артистлар олиб келишга ҳам асос йўқ. Воҳада ном қозонган ашуда ва рақс, миллий чолгу дастурларининг бари шу ерда. Туман раҳбарлари эса тўйбо-

Тўйларнинг бирида иштирақ этиш насиб қилди, бизга. Ҳокимдан сўрадик. — Ҳар ҳафта дам олиш соатларини ўтказиш дала ишларига, қорхоналар фаолиятига салбий таъсир ўтказмайдами? — Аксинча, — дейди Собир Абдусатторов. — Яхши дам меҳнатга ҳамдам. Санъат ва меҳнат эгизак. Инсон тўқ, бадавлат бўлиши учун, аввало, унинг маънавий дунёси бой бўлиши керак. Шу бонс бизда санъатга ихлосмандлар сони кун сайин ошиб бораверади. Барча ширкат уюшма-ларида, ташкилот, қорхона ва муассасаларда, ҳатто мактабу бочкаларда ҳам ўзига хос дасталар фаолият кўрсатаётгани фикримнинг далилидир. Дарҳақиқат, ҳокимнинг гапида жон бор. Биргина Охунбобоев номи ширкатлар уюшмасида «Гулёр» ва

«Зилола» дасталари меҳнатқашларга маданий хизмат кўрсатишни ўз зиммасига олишган. С. Раҳимов номли хўжаликнинг «Наврўз» дастаси ҳам ижрочилик маҳорати билан ном қозонди. Юқорида туманни кўп миллатли дедик. Ҳа, ўзбек-қозоқ, туркману-тожик меҳнатдаги каби санъатда ҳам бир-бирига ҳамдам. Биронта қозоқнинг тўйи «Уч қаҳрамон» ва Тимирязев номли ширкатлар уюшмасининг «Овул оҳанглари», «Бойқўнғир» дасталари концертисиз ўтмайди. Албатта санъатдаги бу дўстликнинг қарор топишида тумандаги миллий маданий марказларнинг ҳам хизмати катта. Ғалабининг 50 йиллиги шарафига ўтказилган бу йилги кўрик-танлов ҳам ҳар қачонгидек кўлаб янги истеъодларни берди. Булар

Сайёра Турсунова, Аҳмад-жон Худойқулловлардир. Улар ижросидаги «Орзу» рақси, «Раққоса ўйнаганда» лапарини ҳақамлар ҳайъати энг юқори балл билан баҳолади. «Атамекен» дастаси иштирокчиси Насима Бердибекованинг ўнлавлари ҳар қандай миллат санъат ши-навандасини бефарқ қолдирмайди. Қизқичи Абдурашид Абдураҳмонов, катта ашуда ижрочиси Бекпўлат Қўшоқовларни айтмайсизми? Уларнинг ҳар бири турли касб эгалари. Бир-ишларга таълим-тарбия берса, бошқаси истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан банд. Истеъодлар орасида пахтакор ҳам, қурувчи ва галлакор ҳам бор. Ижодкорлик уларнинг иккинчи касби. Барча истеъодларнинг бошини қўшган, бир-бирига яқинлаштирган нарса эса санъатга бўлган меҳр, ихлос, элга хизмат қилиш иштиёқидир. Ҳ. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕК-ҲИНД ҚЎШМА КОНЦЕРТ ДАСТУРИ – ВОДИЙДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан ўзбек-ҳинд санъат усталари билан иборат бир гуруҳ ижодкорлар жамоаси мамлакатимиз бўйлаб ижодий сафарга отланди. Дастлаб Фарғона вилоятида намоиш этилган иккала миллатнинг илк қўшма концерт дастури томошабинларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, ҳиндистонлик Манж Меҳра, Симо Ди хоним ва ўзбекистонлик Мавлуда Турдиева, Дилобар Довутовалар ижросидаги куй-қўшиқлар, рақслар ва қизиқарли интермедиялар санъат ихлосмандларида чексиз таассурот қолдирди. Ҳиндистоннинг машҳур «Ангарман» гуруҳи ва Ўзбекистоннинг таниқли «Ханда» ансамбли аъзолари ҳамкорликда яратган мазкур концерт дастурлари Марғилон, Қўқон, Ёзёвон шаҳарларида ҳам илиқ кутиб олинди. Айни пайтда ўзбек-ҳинд санъатига йўғрилган мазкур томошалар дастури Наманган вилоят меҳнатқашлари хузурида намоиш қилинмоқда. Ҳ. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

"ПАЧ ЛИМИТЕД" фирмаси Тошкентдаги омборидан пул ўтказиш йўли билан қўйдагиларни сотади: 1. 1022-М, 97-А, 378-классли саноат тикув машиналари. 2. МБК-1, 51- классли тикилаётган уст-бошларнинг ҳошиясини (зиг-заг) бостирувчи машиналар. 3. "Руно" - мўйнадўзлик машинаси. 4. Р-12 бичувчи машина. 5. 1022 МР "АЛЕСЯ" маркали зунармаңдик машинаси. 6. Болалар тикув машинаси. 7. АБ-40 алюминисцент лампалари. 8. Сунъий чармлар. 9. "POST" телефон аппаратлари. Телефонларимиз: (3712) 77-84-83, 77-67-88.

Миллий Инвестиция фондининг акциялари бу - маблағларингизни ишончли қўлларга топшириш. MILLIY INVESTICIYA FONDI. Миллий Инвестиция фонди. Ва сизнинг сармояларингизнинг тез ўсишидир. Сотиб олиш - 100 сўм; Сотиш - 100 сўм. Тошкент шаҳри, Мустақиллик, 6 (1-подъезд, 3-қават). Тел.: (3712) 39-17-63, 39-15-79, 39-44-63.

• Китоб жавонингизга

ҲОФИЗ ҒАЗАЛИЁТИНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

Аҳмадбек Қуронбеовнинг «Ҳофиз ғазалиётининг маънолар сисмаси» деб номланган ушбу китоби «Фан» нашриётида чоп этилди.

Унда муаллиф Ўзбекистонда, балки жаҳонда биринчи марта Ҳофиз ғазалиётини сўзлагани ва унга кирган лугат бирликларини компьютерда тузилган лугат (конкорданс) воситасида барча ишлатилган ҳолатларини қамраб олишга ва ҳар бир ҳолатдаги маъно белгисини аниқлаб, охири-ниҳоятда мукамал маъно тизимини аниқлаш йўсинлари (методика)ни ишлаб чиқишга интилади. Анъанавий сўзнинг маъноларини талқин қилиш усулидан воз кечилган. Анъанавий услуб деганда биз ҳозиргача мавжуд лугатчилик услуби ва унда қўлланганидан сўзнинг маъноларини талқин қилиш усуллари назарда тутилмади. Бунда сўзнинг маъноси ёнма-ён жойлашган сўз ёки матн парчаси билан боғланиши ва унга лугат тузувчининг ўз шахсий таъбирича, орттирган билими ёки ички интуицияси асосида берган талқини ёки шарҳи келтирилади. Тур-тур бобдан иборат мазкур китобда бу масалага бутунлай

ютуққа эришган бўларди. Аммо у илмий тадқиқотда яна бир олға қадам қўяди — лугавий бирликдаги рамзий маъно — яъни ирфоний маъно бирликларини таҳлил қилади ва лугатчилик илмида янги бир йўналишга асос солади. Китобда муаллиф эришган ютуқ ва камчиликларнинг ҳаммасини таҳлил қилиш кичкина бир тақризнинг ҳажми кўтармайди, лекин шуни алоҳида қайд қилиш керакки, бу тадқиқот мумтоз шарҳ адабиёти, жумладан мумтоз ўзбек адабиёти шеърини тилини тушунишда ва ундаги сўзларнинг маъноларини силсиласини талқин қилишда янги бир йўналишдир. Асар китобат санъатининг ҳам ноёб намунаси ҳисобланади. Мука-васидан то техник таъриригача компьютерда бажарилган. Китоб барча мумтоз шеърини шайдоларига, шунингдек илмий-адабий ҳодимларга мўлжалланган. Нажибиддин КОМИЛОВ, филология фанлари доктори, профессор. А. МАННОНОВ, доцент. Раҳимжон ҚОДИРОВ.

ютуққа эришган бўларди. Аммо у илмий тадқиқотда яна бир олға қадам қўяди — лугавий бирликдаги рамзий маъно — яъни ирфоний маъно бирликларини таҳлил қилади ва лугатчилик илмида янги бир йўналишга асос солади. Китобда муаллиф эришган ютуқ ва камчиликларнинг ҳаммасини таҳлил қилиш кичкина бир тақризнинг ҳажми кўтармайди, лекин шуни алоҳида қайд қилиш керакки, бу тадқиқот мумтоз шарҳ адабиёти, жумладан мумтоз ўзбек адабиёти шеърини тилини тушунишда ва ундаги сўзларнинг маъноларини силсиласини талқин қилишда янги бир йўналишдир. Асар китобат санъатининг ҳам ноёб намунаси ҳисобланади. Мука-васидан то техник таъриригача компьютерда бажарилган. Китоб барча мумтоз шеърини шайдоларига, шунингдек илмий-адабий ҳодимларга мўлжалланган. Нажибиддин КОМИЛОВ, филология фанлари доктори, профессор. А. МАННОНОВ, доцент. Раҳимжон ҚОДИРОВ.



Бувижоним яхшилар. М. АМИН сурат-лавҳаси.

ДИҚҚАТ! ЮҚОРИ БОСИМЛИ АСОСИЙ ГАЗ ҚУВУРИ! Сизнинг туманингиз худудиди умумдавлат аҳаиятига молик қимматбахо иншоот — асосий газ қувири трассаси ўтади. Газ қувири — портлаш ва ёғин хавфини келтириб чиқарувчи юксак хавф-хатар манбаидир. Муҳофиза минтақасида ишларни олиб бориш қоидаларига риоя қилиш сизнинг хавфсизлигингиз гаровидир. Газ қувиридан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш учун СНиП 2.05.06 — 85 га мувофиқ қўйилган хавф-хатар худудлари белгиланган: — кам олтингургуртли газли газ қувири: Муборак-Навоий, Шуртан — Сирдарё ГРЭС — Янги Ангрен ва Тошкент ГРЭСлари учун газ қувирининг ҳар иккала томонидан 500 метрдан; — бошқа газ қувири учун — газ қувирининг ҳар иккала томонидан 250 метрдан; — Одамлар қурбон бўлиши ва моддий зиён кўрилишининг олдини олиш учун газ қувирининг хавф-хатар худудиди; — бирон-бир иморатлар қуриш, дала шийпонлари, хирмонлар, ёқилги қўйиш пунктларини ташкил этиш; — моллар учун сувлоқлар ва қўраларни барпо этиш; — силос бостириладиган ўралар қазити, пичан гарамлаш, пахта қуритиш ва сақлаш майдончаларини ташкил қилиш; — қум-шағал ва бошқа карьерларни барпо қилиш; — ахлат уюмларини тўплаш, сомон ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини ёқиш. КАТЪИЯН ТАКИҚЛАНДИ! Асосий газ қувири ва электр узатиш линиялари ўтадиган жойларда улар яқинида йўллар қуриш, кабел, сув қувири ва бошқа ер ости, ер усти ва юзасидаги коммуни-кацияларни ўтказиш «Ўзбектрансгаз» асосий газ қувири бошқармаси (Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 31, «а»-уй. Телефон: 56-38-07) билан келишилган ҳолда ва ана шу бошқарма томонидан берилган техникавий шартларга мувофиқ амалга ошири-лиши лозим. Асосий газ қувири яқинида ҳушёр ва эҳтиёткор бўлинг! «ЎЗТРАНСГАЗ» ДАВЛАТ БИРЛАШМАСИ.

• Рекордлар, очколар, натижалар...

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА

Энг кўп оғоҳлангирини «Пахтакор» ва «Наврўз» жамоалари унингчиларида кўрсатилган (20 мартадан). Шунингдек, «Пахтакор»нинг икки, «Наврўз»нинг бир футболчиси майдондан чиқариб «борилган». Жарима очколари бўйича «Нурафшон» энг ёмон кўрсаткичга эга. Жамоанинг 19 ўйинчиси оғоҳлангирини, тўрт футболчиси унингдан четлатилган. «Политотдел» ҳозирча энг интизомли жамоа деб (7 та оғоҳлангирини) ҳисобланапти.

Наманганлик футболчилар биринчи давра давомида ўз дарвозасидан бор-йўти 9 та тўп ўтказиб юбориб, ҳимода мустаҳкам туришди. Муборакнинг «Машғал» жамоаси эса тўп киритиш борасида оқаяпти. Жамоа биринчи давра давомида рақиблари дарвозасига атиги 7 та тўп киритди. Муборакликларнинг ҳали рақиблари дарвозаси томон пенальтидан тўп тепмагани ҳам жамоанинг ҳужумкор ўйин кўрсатмаётганидан далолатдир.

Гарчи Самарқанднинг «Динамо» жамоаси муборакликлар каби сафариди бирорта очко ололмаган бўлса-да, ўз майдониди ҳеч бир ўйинни бой берган эмас. Самарқандликлар 7 учрашувнинг 4 тасида ғалаба қозониб, учтасида дуранг ўйнади. Шунингдек, «Нефтчи» ва «Нурафшон» жамоалари ҳам ўз майдонларида мағлубият аламини торттирмади. «Нурафшон» ўз майдониди юз фолидек натижага эришган ягона жамоадир.

Энг кўп пенальти «Нурафшон», «Темирйўлчи», «Янгиер» жамоалари дарвозаси томон белгиланган. Бухороликлар дарвозаси томон белгиланган учта пенальтининг барчаси амалга ошмаган ёки дарвозабон қайтаришга муваффақ бўлган. «Наврўз» жамоаси ўйинчилари эса беш марта пенальтидан тўп тепиш ҳуқуқига эга бўлишиб, унинг учтасини амалга оширишган. «Пахтакор» ва «Навбахор» дарвозаси томон ҳали пенальти белгиланмаган.

Биринчи таймлар якунига қўра, «Нурафшон» 30 очко билан биринчи ўринни эгаллаб турибди. Иккинчи таймлар ҳисоб-китоб қилинганда МХСК жамоаси биринчи поғонага кўтарилади — 35 очко. Ўз майдониди учрашувлар якунига қўра, «Пахтакор» саккиз учрашувдан 14 очко жамғариб, бу борада 9-поғонани эгалласа, сафар ўйинларида жамоа етти учрашувдан 12 очко жамғарган ҳолда учинчи поғонага кўтарилади. ... Биринчи даврада жами 775200 томошабин стадионларга ташириб буюрди. Ҳар бир ўйинга ўртача 6460 талдан томошабин тўри келади. Энг йирик ҳисоб «Нурафшон» — «Политотдел» учрашувиди қайд этилди — 7-0. Энг сермаҳкум тур — 7-тур (27 тўп). Энг оз тўп 10-тур дарвозаларга киритилди — 12 тўп. Энг кўп тўп киритган жамоа «Нефтчи» — 43 та. Энг ... Раулу ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон-Беларусь қўшма қорхонаси

Тошкент омборхонасидан сўмда пул ўтказиш йўли билан қўйдагиларни сотади: • барча турдаги "МАЗ" автомобиллари учун биринчи бутловдаги двигателлар, шунингдек эҳтиёт қисмлар; • қўл билан ишлатиладиган насослар; • тортикч насослар; • форсункалар; • пуркагичлар; • плунжер жуфтликлари; • ёнилги аппаратлари.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент, 8 Март кўчаси, 57-уй. Алоқа телефони: (3712) 91-68-94.

"ВЭФ-КТ" заводининг (Латвия) Ўзбекистон Республикасидаги расмий вакили бўлган фирма электрон, рақамли, квази электрон "Квант" АТС ларини кафолатли ва ундан кейинги таъмирлашларини ҳам қўшиб мукамал ҳолда етказиб беради. Шунингдек, ВЭФ-"Транзистор" (Латвия) заводига тайёрланган турли русумдаги телефон аппаратларини сотади. Маълумот учун ва буортма билан Тошкентдаги қўйдаги тел./факс орқали муурожаат қилинсин: (3712) 55-96-22, 68-83-34.

"Наргиз" хиссадорлик жамияти Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Исроил давлатларига сайёҳат қилувчи сайёҳлик гуруҳларига тез, арзон ва қулай хизматни тақлиф этади. сайёҳар хориждан келтирган буюмларини шу жамият қошида очилган дўконга топширишлари ҳам мумкин. Агар Сиз 15 кишилик гуруҳ тузишда фаоллик кўрсатсангиз бепул йўлланма олиш ҳуқуқига эга бўласиз. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 12 "Е"- уй. Метронинг "Ҳамза" бекати. Телефонлар: 77-85-11, 77-87-37. Факс: 77-87-47.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар ЖҲАРАБОВ.

Ўзбекистон Республикаси ФА «Физика-Кўш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси акадмик Т. Йўлдошбоевга ур йўлдош Тамила ЙҮЛДОШБОВЕВНИНГ ватоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. Тошкент давлат педагогика институтини ректорати, математика факультети жамоаси математика таҳлил кафедрасининг доценти МУҳаммадҷон САЙДАМАТОВНИНГ ватот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардли изҳор қилади. Ўзбекистон Республикаси давлат Кинокомпанияси ва Ўзбекистон Киномотографчилари уюшмаси Фарғона вилоят кинолаштириш ва киножаза бошқармаси бошлиғини Т. Собировага отаси Уринобо СОВИРОВНИНГ ватоти муносабати билан чуқур таъзия билдирадидир.